


ШАРК МАШЪАЛИ



2012/1



<p><i>Илмий-адабий, маънавий-маърифий журнал.</i></p> <p><i>Таъсисчи:</i></p> <p>Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Тошкент давлат шарқшунослик институти,</p> <p>1992 йилдан чиқа бошлаган</p> <p>Журнал Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар матбуот ва аҳборот бошкармаси рӯйхатидан қайта ўтган (№ 02-0055 16 январь 2007 й.)</p> <p>Бош муҳаррир: А.МАННОНОВ</p> <p>Таҳрир ҳайъати: Б. АБДУҲАЛИМОВ Р. АБДУЛЛАЕВ С. ҲАСАНОВ Т. МУХТОРОВ А. ҚУРОНБЕКОВ Қ. СОДИҚОВ О. ШОМАТОВ М.АКБАРОВА М. ИСҲОҚОВ Д. ПҮЛАТОВА У. ИДИРОВ А. ҲАБИБУЛЛАЕВ (Журналнинг мазкур сони масъул котиби)</p> <p>Г. РИХСИЕВА (бош муҳаррир ўринбосари)</p> <p>Нашрга тайёрловчилар: Д. АРИФЖАНОВА М. ЗАРИФОВ</p> <p>Журнал оригинал-макет асосида босилди. Шарқ машъвали, 2012 йил 1-сон Индекс 75460. E-mail: sharq_ilmiy@mail.ru Веб сайт: www.tashgiv.uz</p> <p>Журнал докторлик ва номзодлик диссертациялари юзасидан филология йўналиши бўйича илмий маколалар чоп этилиши лозим бўлган илмий нашрлар рўйхатига Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссияси томонидан киритилган.</p> <p>Босишга руҳсат этилди 22.12.2012 Бичими 84x108 1/16 Шартли б.т. 3.75 100 нусхада босилди. Буюртма № 4 Баҳоси келишилган нархда. Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25. © Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2012</p> <p>Муаллиф фикри таҳририят нуктаги назаридан фарқланниши мумкин.</p>

ШАРҚ МАШҲАЛИ

ISSN 2010-9709

МУНДАРИЖА №1 (41) 2012 йил

<i>Мустаҳкам оила йили</i>	<i>Идиров У. Ўзбекистон: оқилона сиёсат ва унинг зафарли натижалари.....</i>	2
<i>Тил ва адабиёт</i>	<i>Қуронбеков А. Иқбол шеъриятида шахс такомили мавзуси</i>	6
	<i>Содиков К. Турфон обидалари.....</i>	12
	<i>Ғаниева С. Жаҳоноробегим ва унинг ирфоний эътиқоди..</i>	16
	<i>Бегнатова Б. Мисрлик олим Муҳаммад Тахо Абу-л-Ало Халифанинг “Ал-Маварис” номли асарида фикҳий терминлар ва уларнинг қўлланилиши</i>	19
	<i>Омонов К. Ўрта асрларда битилган туркий тилдаги расмий ёзмалар лексикасининг айрим қирралари.....</i>	24
	<i>Мадраимов А. Фаридуддин Аттор ва унинг “Газкират ул-авлийे” асари ҳакида</i>	28
	<i>Кенжасева П. Турк ҳикоясида руҳият тасвири.....</i>	32
	<i>Тожибоева О. “Фарҳод ва Ширин” достонининг ҳалқ варианти</i>	34
	<i>Ҳамидов Х. “Маснавий” асарида қофия ва радифнинг тутган ўрни</i>	37
	<i>Абдуллаева Д. Шарқ ҳалқлари дидактик адабиётида аллегорик образлар мөҳияти</i>	40
	<i>Шаропова Н. Туш таъбири анъаналарининг ҳозирги ўзбек шеъриятидаги ифодаси</i>	43
	<i>Сулаймонова К. Маҳмуд Замахшарийнинг “Нозик иборалар” асари ахлоқшуносликнинг ажойиб мактаби сифатида.....</i>	47
	<i>Жабборова М. Сюжетлар сайри</i>	49
<i>Тарих ва миллий қадрияллар</i>	<i>Жураева С. Сурхон воҳасидаги Ал-Ҳаким ат-Термизий зиёратгоҳи</i>	53
<i>Шарқ шоирлари</i>	<i>Шукуров ё. Абу-л-Қосим аш-Шаббой – янги давр Тунис шоири</i>	58

[Абдулла Оропов. Аёл / Йиллар армони. (Шеърлар ва достонлар). –Т.: Г.Гулом номидаги адаб. нашр., 1984. –Б.104.]

Иккала ҳикоядаги аёл хиёнати бир хил якун топади, яъни ҳикоя ечими ўлимгача боради. Мұхаббат түйғусининг бир зумда нафратга айланиши ҳикояларда ишонарлы тасвириланган. Мұхаббат ва нафрат доимо ёнма-ён эканлиги яққол акс эттирилган.

Т.Дурсун ҳикояларыда воқелик асосан, ҳажман ихчам, лекин мазмунан кенг ифода этилади. Ёзувчи ҳикоялари марказида инсон, унинг рухияти, кечинмалари туради. У инсон ҳаётини насрда маҳорат билан акс эттира олган ёзувчилар сирасига киради. Ҳикоялари мутолааси жараёнида қаҳрамонлар китобхонлар қалбига йўл топади ва уни тўлқинлантиради. Ёзувчининг маҳорати яна шундаки, у ҳикоя қаҳрамонларининг ҳаётийлигини ўзида сақлай олади ва битта ёки иккита қаҳрамон орқали инсон рухиятининг мураккаб томонларини очиб беради. Адабни

айнан ҳаётдаги шу каби инсон рухияти тадқиқи қизиқтиради.

Хозирги турк ҳикояларыда тасвириланган қаҳрамонлар ўртасидаги конфликтлар аксарият ҳолларда турмуш муаммолари асосига курилган. Ҳикояларда кўпроқ ичдан эзиладиган, ўз-ўзини тафтиш этадиган қаҳрамонлар тасвириланади. Хозир яратилаётган ҳикоя қаҳрамонларининг кўпчилиги руҳан безовта, ҳикояларда ҳам уларнинг тақдири худди ҳаётдагидек драматик тарзда якунланади. Рухият тасвирининг устун томони шундаки, у китобхон қалбига тез таъсир қиласи, қаҳрамоннинг ички дунёси эсда қолади.

Бугуннинг одамини қизиқтираётган нарса бу инсоннинг ички олами, маънавий дунёси ва унинг тақдири тасвиридир. Замонавий турк ҳикояларыда рухияти серқатлам, кўнгли нозик қаҳрамонларнинг тобора тасвир марказига чиқиб бораётганлиги шундан далолат беради.



“ФАРҲОД ВА ШИРИН” ДОСТОНИНИНГ ХАЛҚ ВАРИАНТИ

Озода ТОЖИБОЕВА

Тошкент педагогика университети стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси

Узбек адабиётида XVIII – XIX асрларда “Хамса” достонларининг насрый баёнлари Умар Бокий, Маҳзун, Мир Маҳдумлар томонидан амалга оширилгани маълум. Ушбу насрый баёнлар тошбосма матбааларда кўп маротаба нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Ҳамид Сулаймон фондида 683 инвентарь рақамда “Қиссаи Фарҳод ва Ширин” номли

тошбосма китоб мавжуд. Унинг ҳажми 15x25 см., 118 сахифа. Қиссанинг асосий мазмуни 114-варақда тугайди, охирида “Куръони карим”дан бир сура келтирилган. Сўнгти сахифаларда ҳусниҳатдан машқлар ўрин олган. Китоб сахифалари ҳар ўн вараги кизил, ўн вараги сарғиши рангда ва шу тахлитда давом этади. Асарнинг титул варагидан ўрта қисми қолган, юкори ва пастки қисми йиртилган. Сақланиб қолган қисмидан аниқ-

ланишича, китобнинг номи “Қиссаи Фарҳод ва Ширин”. У Тошкент шаҳрида Гуломия матбаасида чоп этилган. Қисса охирида 1325 санаси қайд этилган. Демак, китоб 1907 йилда кўчирилиб, тошбосма усулида нашр этилган. Титул вараги йиртилганлиги сабабли хаттот, ношир, ҳомийларни аниклаш мушкул.

Асарнинг дастлабки мутолаасиданоқ асарнинг Маҳзун қаламига мансуб насрый баён эканлигини билиб

олиши мүмкін. Мазкур насырій баён Абдурауф Фитрат, С.Эркиновлар томонидан атрофлича таҳлил қилингандын ҳамда илмий адабиётларда доимо “Хамса” насырий баёнлари қаторида санаң үтилади. Биз кузатышлар натижасыда олдинги тадқиқотларда эътиборга олинган маълумотларга құшимча сифатыда бир қанча жиҳатларини күрсатып үтишни лозим топдик.

Устоз Фитрат манба билан танишиб, “ёмон котиб” құчирғанлығы учун айрим ғазалларнинг сұзлары бузилғанғанлығы сабабли үқишиң жуда қийин, дея күрсатып үтади. [Фитрат А. Танланған асарлар. II-жылд. –Т.: “Маънавият”, 2001. 131-б]. Ҳакикатан ҳам, асарнинг салмокли қисмини қаҳрамонлар тилидан берилған ғазаллар ташкил этади. Маҳзун насырий баён жараённан Умар Бокий ёки Мир Махдум сингари воқеаларни маълум бобларга бұлмайды, яхлит, изчилликда баён қиласы. Асосий воқеалар Чин хоқонининг фарзандда зорлиғи ва Фарҳоднинг туғи-лишидан бошланади. Фарҳод үсіб үлғаяди, отасининг қаршилигига қарамай, тошкесар устага шогирд тушади. Отаси үйғылаб, уни бу ишдан олиб қайтади: “Әй вой, сизға не ҳолдурки, мундог мекнат ва мاشаққат бирла гирифтөр бұлурсиз, на азобдур. Эй, нури чаманим, юринг ман сизни хазинага олиб кирай, томоша қилинг”(3 б).

Құрнадиқи, воқеалар сода тилда ифода қилингандын. Адабиётшунослар ушбу насырий баёнларни эътироф этгандын

да доимо уларда түшгүнилиши қийин бұлған сұзлар, форсто-тожик, арабча сұзлар күп күлләнілген тарзда таҳлил килишади. Умар Бокийда бу ҳолат қисман учрайди, Мир Махдум ҳам Навоийнинг айрим сұзларини айнан олади. Бироқ мазкур қиссада бирор изохтааб сұзлар учрамайды. Асар ниҳоятта халқона – сұзлашув услугебіда ёзилған.

Фарҳод хазинага киради. Қирқинчи кутидан Оинаи Искандарни олади, унда беҳисоб хазина ва бир төгни күради. Отаси ва лашкарлари ҳамрох-лигіда үша токқа бориб, ҳаким билан учрашади, ҳаким унга оловда куймайдын ёғ беради ва Фарҳод аждарни енгади. Яна бир ҳаким уни минг ийидан бери кутиб үтирганлыгини айтади ва жон беради. Фарҳод беҳисоб бойліларни атрофдағыларга тақсимлаб бериб, саройға кайтади, дархол ойнага қараб, унда таҳтда үтирган Ширины күради ва хүшини үйкөтади. Муаллиф томонидан Шириң тасвири ҳам жуда содда ва таъсирчан ифодаланған:

“Ул таҳт устида бир жувон нозанин үлтурубдур. Ул нозанинни ҳұсн ва латофатда шуъласи шул бүстонға уруб турубдур. Ул қызни агар таърифини қылса, ҳеч важх бирла анга бир одам баробар келмас.

Ул на қыздур! Хүр жсаннат ҳам баробар келмагай,

Кокилига минг анбар ҳам баробар келмагай.

Ул на юлдуз! Ләyl бадахишон ҳам баробар келмагай.

Ул на юлдұздур? Ул қызыл ғул ҳам баробар келмагай” (9 б)

Қиссада ҳар бир қаҳрамон тилидан ғазал берилған, сұнг воқеалар давом эттирилади. Ойнадаги манзараларни күриб, отаси қарши бұлса ҳам хаммаси ноилож үйлігі қиқади: “Бир кече шамол бұлды, олам қоронғу ва зулумот бұлды. Кемалар бир-бириға урди, бузулды. Юз минг лашкарлар ҳар тараффа кетти. Подшохи Чин бир тараффа кетти, ҳаммалари вайрон бұлды” (11 б).

Фарҳод ва отасининг умрбод ажралишига сабабчы бұлған шамол Умар Бокий ва Мир Махдум насырий баёнларыда ҳам үзиге хос тарзда тасвирланған. Қиссаның шу жойигача Навоийдан айрим эпизодлар олинған бұлса, кейинги воқеалар умуман үзге тарзда давом этади. С.Эркинов таъкидлаганидек: “адиб үз асарини яратышда, биринчи навбатда, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Шириң”ига асосланса-да, у үрганған манбаларнинг анча кенглиги англашилади. Маҳзун үз навбатыда “Фарҳод ва Шириң” сюжетида Низомий, Дәхлавий яратған “Хисрав ва Шириң” достонларидан ҳам таъсирланади” [Эркинов С. Алишер Навоийн “Фарҳод ва Шириң”и ва унинг қиёсий тақылғы. –Т.: “Фан”, 1971. 335-б]. Шу билан бирға халқ оғзаки ижодидеги мавжуд ривоятлардан ҳам үринли фойдаланади. Маҳзун насырий баённің танқидий муносабатда бұлувчиларга С.Эркинов, авваламбөр, адібнинг қандай максаддни режа қилиб олғанлигини англаш лозим дейді. Қисса мазмун, мохияттіні

ўзлаштириш натижасида маълум бўладики, Маҳзун кенг китобхонларга Навоий достони моҳиятини етказиб беришни мақсад килиб олмаган кўринади. Навоий асаридаги айрим лавҳалардан фойдаланиб, кўшимча эпизодлар қўшгани ҳолда қоришиқ туркум сюжетли мустақил ҳалқ вариантини яратади. Зеро, агар насрый баён сифатида олинса, асл манбадаги қаҳрамонлар фазилати, улардаги олижаноблик қиссада бир оз сустлашган.

Шопур ва Фарҳод Ширин юртига бориб мардикорлик қиласди. Ширин сув учун эмас, шакар, новвот солинган сут ариқ қаздиришни зълон қиласди. Сут ариғи – Низомий ва Дехлавийда ҳам мавжуд, Навоийда бу лавҳа сув ариғи сифатида реал ҳаётга яқинлаштирилган. Фарҳод ва Шопур саройга келадилар. Фарҳод ариқ қазиди, Шопур от боқади. Кейинги ўринларда Хисрав Парvez биринчи планга чиқади. Мехрибон, содик дўст тимсоли бўлган Шопур қиссада аксингча вазифани баҳаради. Шопур қочиб, Хисрав юртига боради ва Ширин вазфини баён қиласди: “Сизни ўз муносиб ва лойикнгиз шулдурки, Эрам шаҳрини подшохи бордур – Михимбону отлиғ ва ани бир синглиси бордур – Ширин номлиқ. Андок дилбар нозанинки, жаҳонки андок нозанин асло келмас, сизға ўшал лойикдур, деди”. (27 б)

Муаллиф тилидан “Шопур ул вақтлар ҳаромзода ишларни кўп қиласр эди,” дейилади. “Ҳаромзода” сўзи

Умар Бокийда ҳам ишлатилган. Хисрав Шопурни Шириннинг олдига юборади. Шопур Хисравнинг суратини Ширинга кўрсатади, Ширин суратдаги йигитга ошиқи бекарор бўлиб, уни излаб йўлга тушади. Ҳаво иссиқлигидан Ширин йўлда бир булоқда чўмилади. Шопурнинг орқасидан йўлга чиқсан Хисрав Парvez булоқда чўмилётган Ширинни кўради. Ширин кўрадики, суратдаги йигит, сўзлашга тортинади. Сабаби жуда оддий, ҳар бир қиз кўнглидан ўтадиган гап: агар ҳозир гаплашсам, бу ҳар бир ўтган эркак билан сўзлашар экан, деган гумонга бормаслиги учун ўзини танитмайди ва ҳар иккаласи ҳам икки тарафга равона бўлади. Хисравга етишолмай сўнг меҳнаткаш ва олижаноб Фарҳодга кўнгил кўяди. Фарҳоднинг олдига жодугар кампир келиши ҳам жуда оддий тасвирланган: “Бир кампир пешонаси бурушган, худо бирлан урушган бор эрди. Айдики: Фарҳодни ишини ман қилурман, деди. Анинг бирла ишларинг бўлмасун, деб вавда қиласди. Ул замон қаролислар кийди, бошиға қароларини чулғади, қўлиға бир асони олди” (93 б).

Матннаги “пешонаси бурушган”, “урушган” сўzlари ҳозирги кунда ҳам ҳалқ оғзаки ижодида ишлатилади. Кампир тасвири дарҳол кўз олдимизга эртаклардаги ялмоғиз кампир сиймосини гавдалантиради. Умар Бокий насрый баёнидаги худди шу эпизодга эътиборни қаратади: “Бир бадбахт кампир Хисравнинг олдига келиб айдики, Фарҳоднинг ишини ман қилурман ва анинг бирла ишинглар бўлмасун, деб вавда қиласди. Ул замон қаролислар кийди, бошиға қароларини чулғади, қўлиға бир асони олди”.

Насрий баёндаги ўхшашиклар дарҳол сезилади. Демак, Маҳзун қисса жараёнида ҳалқ оғзаки ижодидан ҳам кенг фойдаланиш билан биргаликда ўз даврининг маҳсули бўлган насрый баёnlардан ҳам унумли фойдалангани кўриниб турибди.

Ўз ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида 23 инвентарь рақами XIX асрда Кўқонда мулла Рўзи котиб томонидан кўчирилган мусаввири номаълум нусхада айрим ўзига хосликлар мавжуд. Кўлёзма нусхага ишланган миниатюраларни таҳлил қиласган олим Ҳ. Сулаймон (Сулаймон Ҳ., Сулаймонова Ф. Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар. XV-XIX асрлар. –Т.: “Фан”. 16-б) анъанадан чекинганлик ҳолатларини кўрсатади. Ундаги Шириннинг қасрдаги ҳолати, Ширин Хисрав суратини кўриши, Хисравнинг булоқдаги Ширинни кўриши каби манзаралар Навоий асарига хос эмаслигини таъкидлайди. Эътибор берилса, бу уч ҳолат Маҳзун асарида ҳам учрайди. Маҳзун ҳаёти ва ижодига доир маълумотлардан унинг Умархон

саройида хизмат қилган шоир эканлиги ҳакидаги маълумотлар ойдинлашса, сурат қиссадан илтарироқ Низомий асарига ишлангани, Маҳзун ҳам бу манбадан ўринли фойдаланганини билиш мумкин. Хулоса

қилиб айтганда, Маҳзуннинг “Киссан Фарход ва Ширин” номли қиссаси Алишер Навоий, Низомий, Дехлавий дostonларидан ҳамда ҳалқ оғзаки ижодидан ижодий фойдаланиб яратилган ҳалқ китоби сифа-

тида эътироф этилиб келинган ўз даврининг машхур қиссаларидан бири бўлган ва кўплаб қиссаларнинг дунёга келишига ҳисса қўшган. Асар ўз даври адабиётининг маҳсули сифатида ҳам қадрлидир.



“МАСНАВИЙ” АСАРИДА ҚОФИЯ ВА РАДИФНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

*Хусрав ҲАМИДОВ
ТошДШИ стажёр-тадқиқотчиси*

Форс мумтоз адабиётида вазн билан бир қаторда қофия ва радиф санъатлари ҳам муҳим ўрин тутади. Гарчи адабиётшунослар қофияни шеърнинг асосий устунларидан деб билишса-да, шоирлар сўзнинг мусиқийлигини ошириш учун радифдан кўпроқ фойдаланишган.

Мавлоно Жалолиддин Румий «Маснавий» асарида қофия мазмунга тўсқинлик қилмаслиги учун новаторлик билан ёндашган. Бу новаторлик форс шеъриятида анъанага кирмаган қофиялардан фойдаланишдан иборат.

Қофия ҳам шеър мусиқасининг бир бўлаги ҳисоблангани учун вазн ва калималарнинг ички мусиқаси қаторида унинг мусиқасини таҳлил ва тадқиқ қилиш лозим [Доктор Муҳаммадризо Шафиэйэ Кадкани. Мусэқэй э шеър. –Теҳрон: “Муассесий энтешоротэ Огоҳ”, 1368. 52-б].

Эрон олими Шафиэйэ Кадкани, ўз навбатида, шеърият мусиқасини 4 тага бўлиб, қофия ва радифни шеър четидаги мусиқасига киритади ҳамда «Девони кабир»да ушбу гурӯҳдан мавжуд эканини аниклаб, шундай хулосага келади: «... бирор-бир миллатнинг адабиёти тарихида шеъриятнинг ижоди бўйича бирор шоир амалан унга (Жалолиддин Румийга – X.Ў.) тенг қофия ва унинг турларидан фойдаланмаган» [Доктор Муҳаммадризо Шафеиэйэ Кадкани. Мусэқэй э шеър. –Теҳрон: “Муассесий энтешоротэ Огоҳ”, 1368. 52-б].

Румий ғазалларида қофия санъатидан етарлича фойдаланишига қарамай, «Девони кабир»да ҳам қофия танқислигидан нолийди:

Қофияву маглатаро гў ҳама селоб бибар,
Пўст бувад, пўст бувад дархури шеъри шуаро

[Жалолиддин Муҳаммад Балхий. Гузэдэйэ ғазалиётэ Шамс. Бэ қуиэшэ Доктор Муҳаммадризо Шафиэйэ Кадкани. –Теҳрон: “Алҳудо”, 1372. 29-б].

Мазмуни: Селга айтгинки, қофия ва бошқа галатий нарсани ўзи билан олиб кетсун. Шоирлар магзининг дархури теридир.

Жалолиддин Румий «Маснавий маънавий» асарида мазмунни яхлит саклаб қолиш мақсадида, ўрни келганда шаклий меъёрлардан воз кечади. Айниқса, қофияни иккинчи даражали деб ўйлади. Шунинг учун бўлса керак, матндан айрим қофиялар адабиётшунослик мезонига кўра, анъанавий меъёрларга жавоб берса олмайди. Муаллиф ўз фикрларини бемалол айтишга киришар экан, асосан, қофия қоидаларига ноанъанавий тарзда янгиликлар киритади. Бироқ Румий каби сўфий шоир бундай ишларга қўл уришини ҳеч ким камсита олмайди. Сабаб